

АМАЛИЙ ИШЛАР ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

1 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида соғлиқни сақлаш соҳасидаги вазифалар ижроси ҳамда келгусидаги режалар кўриб чиқилди.

Маълумки, шу йил 18 март куни давлатимиз раҳбари тиббиёт ходимлари билан очик мулоқот ўтказган эди. Унда айтилган муаммо ва тақлифлар асосида замонавий даволаш амалиётларини татбиқ қилиш, тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, соҳа ходимларининг ойлик маошларини ошириш каби кўплаб вазифалар белгиланган эди.

Йил бошидан буён жойларда 85 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникалар очилиши натижасида 700 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизматлар яқинлашди. Худудларда хирургия йўналишида қўшимча 27 турдаги, эндокринологияда 7, кардиологияда 14 турдаги юқори технологик амалиётлар жорий қилинди.

Ўтган ойлarda Давлат сугурта жамғармасидан 25 минг нафардан зиёд эҳтиёжманд аҳолига тиббий ёрдам кўрсатилди. Қорақалпоғистон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Фарғонада 87 минг аҳоли манзилли тиббий кўриқдан ўтказилди. 1 июндан тиббиёт ходимларининг ойлик маоши 30 фоизгача оширилди.

Йигилишда шу каби амалий ишлар билан бирга галдаги вазифалар ҳам муҳокама қилинди.

— Инсон қадрини таъминлаш иноватга олиб, охириги йилларда тиббиёт соҳасида ҳам кўп Фармон ва қарорлар қабул қилдик, — деди давлатимиз раҳбари. — Глобал синовларга қарамасдан, тиббиёт ходимларининг ойликларини кўтариш чораларини кўрдик. Ҳамма жойда, энг чекка қишлоқда ҳам тизим намойиш бўлиши зарур. Ҳар бир фуқаронинг соғлиғи назоратда бўлиши керак.

Йигилишда мутасаддилар соҳада бошқарув ва моддий шароитларни яхшилаш, даволаш протоколларини ўзгартириш, тиббий сўғурта тизимини кенгайтириш, тиббий таълимни ривожлантириш йўналишлари бўйича ахборот берди.

Аввало, бирламчи бўғинга эътибор қаратилиб, жорий йил якунигача яна 51 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникаларни ишга тушириш, мингта маҳаллада тиббий пунктлар ташкил қилиш, аҳолини

манзилли скринингдан ўтказиш вазифалари белгиланди. Тез тиббий ёрдам сифатини яхшилашга қаратилган ишларнинг бориши кўриб чиқилди.

Худудий шифохоналарда юқори технологик амалиётлар турини 250 тага етказиш, бунинг учун улардаги тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, янги имтиёзли даволаш тизимини тўлиқ жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз соҳани рақамлаштириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Аввал берилган топшириққа кўра, тиббиёт муассасаларининг бу борадаги инфратузилмаси янгиламоқда. Худудлардаги шифохоналар компьютерлар билан таъминланиб, локал тармоққа уланимоқда. Халқаро стандартлар асосида ягона классификатор, реестр ва маълумот алмашинуви дастури ишлаб чиқилмоқда.

Йигилишда соғлиқни сақлашнинг барча бўғинларини босқичма-босқич рақамлаштириб, ўзаро боғлаш, муассасаларни замонавий жиҳозлаш, пуллик хизматлар ҳажми ва турларини кўпайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Шу йил 25 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Унга мувофиқ, 191 та туман ва шаҳар марказий шифохоналарида болалар реанимация бўлимлари, 208 та кўп тармоқли поликлиника ҳамда Тошкент шаҳридаги 71 та оилавий поликлиникада болалар бўлимлари ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари бундай бўлимларни қолган туманларда ҳам очиш, шу билан бирга, Акушерлик ва гинекология, Аҳоли репродуктив саноатлиги ҳамда Скрининг марказлари фаолиятини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Санитария-эпидемиология тизимини трансформация қилиш, санитария қоидалари ва стандартларини янгилаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш юзасидан ҳам топшириқлар берилди.

Соғлиқни сақлаш вазирининг ҳар бир ўринбосарига ўзлари масъул бўлган йўналишлар бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ў.А.



Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларидаги катта ўзгаришлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин энг муҳим ютуқ — амалий ишларимиз миллионлаб одамларга наф келтираётгани, уларнинг қалбида илиқлик уйғотаётганидир. Биз бундан буён ҳам халқларимиз дўстлигининг бузилмас кўпригини ҳар томонлама мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Марказий Осиё халқаро институти (МОХИ)да “Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишини таъминлашда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги стратегик шерикликнинг аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Таъдбир Марказий Осиё халқаро институти ва Тожикистон Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

■ Конференция

Анжуманнинг очилишида Марказий Осиё халқаро институти директори Анвар Носиров, Ўзбекистон таъши ишлар вазирининг ўринбосари Фуркат Сидиқов, Тожикистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муқтор элчиси Абдуҷаббор Раҳмонзода, Тожикистон Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази директори Хайриддин Ўсмонов, Миллий Фанлар академияси президенти Фарҳод Раҳимий ўз қутлов сўзларида давлатларимиз раҳбарларининг шахсий ташаббуси, интилишлари, қатъий иродаси туфайли ҳар икки мамлакат муносабатлари тарихида мулақо янги саҳифа очилганини эътироф этдилар. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги барча соҳадаги муносабат-

ларнинг мустаҳкамланиши мамлакатларимизнинг халқаро майдондаги салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтисодий ривожлантириш, халқларимиз фаровонлигини ошириш имконини бермоқда.

Қайд этилганидек, конференция ишида Ўзбекистон ва Тожикистоннинг етакчи таҳлил тузилмалари экспертлари қатнашгани, бу мамлакатларимиз илмий ва жамоатчилик доираларининг ўзаро алоқаларни кенгайтиришга, икки томонлама ҳамкорлигининг тўлғаниб қолган мавжуд масалаларини муҳокама қилишга бўлган қизиқиши юқори эканлигидан далолатдир.

Ялпи мажлисда эса асосий ташкилотчи — Марказий Осиё халқаро

институти раҳбари Анвар Носиров, Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази директорининг ўринбосари Парвиз Мухаммадзода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази директори Обид Ҳакимов маъруза қилди.

— Анжуманнинг долзарблиги ва аҳамияти шундаки, мамлакатларимиз етакчиларининг мустаҳкам сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли кўп асрлик ўзбек — тожик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, стратегик шериклик ва кўп қиррали ўзаро ҳамкорлик истисносиз, барча йўналишда мисли қўрилмаган

босқичга кўтарилган бир пайтга тўғри келмоқда, — деди Марказий Осиё халқаро институти директори. — Эътиборлиси, биргина шу йилнинг ўзида Тожикистон Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази ва Тожикистон Миллий Фанлар академияси билан ҳамкорликда тўртта таъдбир ўтказдик.

ИККИСИ БИР БАЙТ ҲАЗАЛДАН, ЎЗБЕГИМ ТОЖИК БИЛАН

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг ушбу мисраларида қардош икки халқнинг азалий дўстлиги ажиб тараннум этилган.

■ Биз ва жаҳон

Дарҳақиқат, ўзбек ва тожик халқининг қон-қардошлик илдизлари, дўстлиги минг йилларга бориб тақалади. Асрлар давомида бир дарёдан сув ичиб, бир-бирларига ёндош, қавму қариндош, қуда-анда бўлиб келган, шоир таъбири билан айтганда, “ғазалнинг бир байтидек” яшаб келаётган халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларга улуг аждодларимиз — Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийнинг ўзаро аҳиллиги, бир-бирига юксак меҳр-муҳаббатини, самимиятини, ишончини яққол мисолдир.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОС



Миллий гвардия органларига қандай ваколатлар бериланти?

Депутатлар томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда Миллий гвардия органларига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 6 та моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий баённома расмийлаштириш ва белгиланган тартибда судга юбориш ваколати берилган.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилинди. Конструктив фикрлар билдирилди, асосли тақлифлар илгари сурилди.

жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг Миллий гвардия органларининг ваколатлари белгиланган 248-моддасига ўзгаришлар киритиш орқали ушбу Кодекснинг “Жамоат тартибига таъовури қилинган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” номли бобида белгиланган 4 та маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишларни кўриб чиқиш ва 14 та маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича баённома расмийлаштириш ваколатини бериш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши худудларда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самардорлигини оширишга замин яратди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш тартиби белгиланмоқда

Мажлисда “Судларнинг фаолияти рақамлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда моддама-модда атрофлича кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши суд мажлиси ҳақида SMS-хабар орқали хабардор қилишнинг процессуал асоси белгиланмоқда, судга берилган мурожаатнинг ҳолатини онлайн кузатиб туриш имконияти суд иши бўйича тарафларнинг процессуал ҳуқуқи сифатида мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, суд мажлисларида суд биносига келмасдан, масофадан туриб видеоконференцалоқа режимида иштирок этишнинг процессуал асоси ва тартиби белгиланмоқда.

■ Мулоқот

ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги офиси координатори Роли Астхана билан учрашди.

Ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳрама қилинган учрашувда томонлар Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётганини таъкидладилар.

Хусусан, С. Сафоев мамлакатимизда БМТ томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани ва уларнинг ижросига жиддий эътибор қаратилаётганлигига алоҳида тўхталиб ўтди. Ўз навбатида, Олий Мажлис Сенати ташаббуси билан 2021 йилда Бухоро шаҳрида “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда глобал парламентлараро ҳамкорлик” халқаро форуми уюштирилганга урғу қаратилди.

Мулоқот давомида ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

УЧИНЧИ ГЛОБАЛ ПАРЛАМЕНТ МАЪРУЗАСИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов Парламентлараро Иттифоқ ва Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ҳамда парламентаризмни ривожлантириш “Agora” ҳамжамяти иштирокида уюштирилган таъдбирда қатнашди. Унда Учинчи глобал парламент маърузаси тақдим этилди.

■ Муҳокама

Онлайн форматдаги мазкур таъдбирда Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонг, БМТ Тараққиёт дастури раҳбари Аҳим Штайнер, шунингдек, 26 мамлакат парламентлари ҳамда бошқа парламент тузилмалари вакиллари қатнашди.

Парламент ишида жамоатчилик иштироки, жамоатчиликни жалб қилиш тенденциялари масалалари, шунингдек, маърузанинг хулоса ва тавсиялари кўриб чиқилди. Парламентлар учун жамоатчилик билан муносабатларни кенгайтириш борасида тавсия ҳамда гоёлар тақдим этилди.

Таъдбир доирасида долзарб мавзуларда тўртта сессия бўлиб ўтди. Жамоатчиликни жалб қилишдаги му-

ҳим тенденциялар шарҳлаб берилди. Қатнашчилар “Ҳеч кимни ортда қолдирмаслик” дастурида узлуксиз ҳамда инклюзив иштирок этишнинг муҳим жиҳатларини муҳокама қилдилар.

Шунингдек, парламентларнинг жамоатчилик билан муносабатларга киришдаги салоҳиятини ошириш юзасидан он-лайн ўқув ўтказилди. Ёшларни парламент ишида фаоллик кўрсатишга рағбатлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Анжуман давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов жамоатчиликни парламент фаолиятига жалб қилиш борасидаги миллий таъриба хусусида сўз юритди. Хусусан, бунда аънавий ҳамда ахборот технологияларидан унумли фойдаланишнинг самарали усуллари ҳақида тўхталиб ўтди.

«Халқ сўзи».

Учрашув БОЛАЛАР СЕНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ



Олий Мажлис Сенатида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Меҳрибонлик уйлари,

имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати тарбияланувчилари, шунингдек, бир гуруҳ иқтидорли болалар халқ вакиллари билан учрашиб, парламент юқори палатаси фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Таъдбирда Сенат Раиси Т. Норбоева ўғил-қизларни Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан табриқлаб, парламент юқори палатаси фаолияти, ялпи мажлисларда кўриладиган масалаларнинг аҳамияти хусусида

сўзлаб берди. Айни чоғда бўғунги кунда юртимизда ўқигача иштиёқи бўлган ёшлар учун барча имконият ва шарт-шароит яратиб берилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

➡ 3

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ



Конференцияда Ўзбекистон ва Тожикистоннинг стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки давлатнинг савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ҳамда сувдан фойдаланиш, экологини асраш борасидаги ҳамкорлик истиқболлари юзасидан эксперт ва мутахассисларнинг таклифлари тингланди.

Шунингдек, тарихий-маданий, маънавий қадриятларни ўрганиш ва сақлашнинг ўзбек — тожик тажрибаси ҳамда таълим ва сайёҳлик соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида икки мамлакат олимларининг мулоҳазалари ҳам конференция иштирокчиларининг эътибор марказида бўлди.

Умуман, анжуман икки мамлакат илмий тадқиқот ҳамжамиятлари ўртасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик бўйича ўзаро очик ва конструктив фикр алмашиш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалаларда амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун қулай платформага айланди, дейиш мумкин.

Тадбир якунида Марказий Осиё халқроқ институти ва Тожикистон Миллий Фанлар академияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Сўз — халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига

Абдужаббор РАҲМОНЗОДА, Тожикистоннинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон билан Тожикистонни умумий тарих, муштарак маънавий қадриятлар бирлаштириб туради. Икки тилда сўзлашувчи бир халқ дея аталадиган ўзбеклар ва тожиклар азалдан қон-қардош бўлиб яшаб келган, бир дарёдан сув ичган, борди-келди қилган.

Бугун жаҳон саҳнасида мураккаб вазият сақланиб қолаётган бир кезде бор кучимизни, имконият ва салоҳиятимизни бирлаштириш, кўп қиррали ҳамкорлигимизни ҳар томонлама чуқурлаштириш, қўшма лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш, бўлғуси авлодларга дўстлигимиз ва яхши кўшничилик алоқаларимизни мерос қилиб қолдириш ҳар

Алишер СОБИРОВ, Марказий Осиё халқроқ институти бўлим бошлиғи, тарих фанлари номзоди:

— Сўнгги йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда биргаликда катта ишлар қилинмоқда. Таъкидлаш ўринлики, бу икки давлат бир-бирига жуда яқин. Тарихан бир халқмиз, ягона давлатда яшаганмиз. Ил-дизимиз, маданий меросимиз, қолаверса, мақсадларимиз муштарак.

Бугунги анжуманда маданий алоқаларни ривожлантириш ҳақида ҳам сўз борди. Халқларимиз ўртасида минг йиллар давомида ривожланиб келаётган маданий-гуманитар ва инсонларро алоқалар маданият ва санъат соҳасидаги муносабатларни чуқурлаштиришнинг

Жумҳон Жамшед ЖЎРАХОН, Тожикистон Савдо-саноат палатаси раиси:

— Айтиш жоиз, Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари ишонч ва ўзаро ҳурматга асосланган, икки давлат ўртасида ечимли топилмайдиган масала мавжуд эмас. Кўп йиллар давомида икки томонлама муносабатларга салбий таъсир кўрсатган муаммоли масалаларнинг аксарияти ҳал қилинган. Бугунги кунда халқларимизнинг кўп асрлик тарихий ва маънавий ришталарига асосланган стратегик шериклик муносабатлари кенг қамровда, серқирра ва изчил ривожланиб бормоқда. Давлат раҳбарлари даражасида йўлга қўйилган мунтазам мулоқот, етакчиларнинг мустаҳкам сиёсий иродаси ва биргаликдаги сайй-ҳаракатлари Тошкент ва Душанбе ўртасидаги муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди, уларнинг ҳар томонлама

ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН ИШБИЛАРМОНЛАРИ МУЛОҚОТИ

Тошкентда Ўзбекистон — Тожикистон бизнес форуми ва икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида “B2B” форматида музокара бўлиб ўтди. Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга расмий таширифи арафасида ташкил этилган, тегишли вазирлик, идора ва тармоқ бирлашмалари раҳбарлари ҳамда икки мамлакат ишбилармон доираларининг 200 дан зиёд вакиллари қатнашган тадбирда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболи муҳокама қилинди.

Бизнес форум

Форумда Ўзбекистон делегация-сига Бош вазир Ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов, Тожикистон томонига эса Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Давлатали Саид бошчилик қилди. Делегациялар раҳбарлари ўз чиқишларида икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш учун

ИККИСИ БИР БАЙТ ҲАЗАЛДАН, ЎЗБЕГИМ ТОЖИК БИЛАН

Дўстинг бўлса, боғинг чамандир

Бугунги кунга келиб, икки халқ ўртасидаги дўстлик, қардошлик алоқалари янги қўлам касб этмоқда. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмоннинг сиёсий иродалари туфайли чегарадош мамлакатлар ўзаро ишонч, яхши кўшничилик ва шериклик муносабатларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Мазкур ёндашув минтақа бирлигининг асоси бўлиб хизмат қилмоқдаки, бундан ҳудуддаги барча халқлар фаяда мамнун бўляпти.

Дўстинг бўлса, боғинг чамандир, дейди халқимиз. Кейинги йилларда бу мақолни Марказий Осиё халқлари кўп тасқорлайди. Боси ми нтақада ўзаро ҳамжиқатлик, тарихий дўстлик муносабатлари янги на руҳда мустаҳкамланмоқда.

Вақоланки, муносабатларимизга кўз теккан, орамизча совуқчилик тушган даврлар бўлди. Ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши кейинги беш йилда юз берди. 2018 йилнинг март ойидан, аниқроғи, ўзбек — тожик давлат чегараси орқали ўтиш пунктлари тантанали равишда очилганидан сўнг бу янада кунайди.

Ақилликча қаратилган сиёсат туфайли чегаралар очилди, икки мамлакат ўртасида ўзоқ йиллар давомида ҳал этилмаган масалаларга ечим топилды. Пировардида, бир муддат тўхтаб қолган борди-келди қайта жонланди. Халқларимиз яна диждорлашди, меҳр ришталари қайта боғланди.

Яқинда бир онахон билан гаплашиб қолдим. Давлатларимиз раҳбарларини узундан-ўзоқ дуо қилди. Ўзоқ йиллар жигарбандлари билан учрашмай юрган таниш онахоннинг ҳўюяси қўзимни ёшга тўлдириди.

— Қўзимни Ўргутга узатганман, — деди онахон. — Саққиз йил деганда қўрдум уни. Чегара пости очилишини соат санаб кутдим. Халқни ўйлаган Президентларимизга минг раҳмат. Менга ўхшаган, қўзлари йўлга тикилган оналарнинг ҳаммаси дуода...

Эзгу орзулар рўёби

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни тиклашдаги сайй-ҳаракатларига бежиз юқори баҳо бермади.

— Илгари тўғланиб қолган муаммолар шундай қисқа муддатда ҳал этилишини тасаввур қилиб бўлармиди?! Бунга халқроқ ташкилотлар ҳам ишонмаган эди. Бугун давлатларимиз ўртасида ҳал бўлмаган масала қолмади, ўзаро ишонч пайдо бўлди. Бундай муносабатларнинг ташаббусқори ва “архитектори” ҳурматли Шавкат Миромонович Мирзиёев, — деган эди мамлакатимиз етакчиси.

Миз, тожикистонликлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг кучли ислохотчи ва ўзоқни кўра биладиган сиёсатчи эканига ишонч ҳосил қилганмиз. Унинг бошчилигида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, бу ташаббуслар халқларимизнинг эзгу орзулари рўёбига, минтақада тинчлик, осойишталик ҳамда тараққиётни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мен эъйли бир инсон сифатида Ўзбекистон раҳбариятининг янги Ўзбекистонни қуриш йўлидан собитқадамлик билан одимлаётгани ҳолда ўзининг фаол ташқи сиёсатини тизимли равишда олиб бораётгани, минтақаларни бирлаштириш йўлидаги илтишшларини қузатиб бораман. Айниқса, кейинги йилларда Ўзбекистон очик ички ва ташқи сиёсат олиб бораётгани, парламент дипломатияси мутаносиблиғи, инсон ҳуқуқлари ва сўз эркинлигини таъминлаш, болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида эришган муваффақиятлари билан жаҳон ичра шурат қозонди.

Ўзбекистон Президенти март ойи бошида Ҳинд океани бандаргоҳлари томон Жанубга янги темир йўл линиясини (Термиз — мазори-Шариф — Қобул — Пешовар) ташкил этиш учун Покистонга расмий ташриф билан борди. Ушбу истиқболли инфратузилма ва логистика лойиҳаси Жанубий Осиё орқали денгизга чиқиб имкониятига эга бўлмаган Марказий Осиё мамлакатлари учун энг қисқа йўлни очиб беради. Янги транспорт транзит йўналиши ишга тушса, бундан Ўзбекистон каби бевосита жаҳон океанларига чиқа олмайдиган Тожикистон иқтисодиёти ҳам фойда кўради. Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида “савдо кўприклари” бунёд этилади.

Янги цивилизация сари дадил қадамлар

Ўзбекистон пандемия сабабли 2020 йилда қолдирилган биринчи Тошкент халқроқ инвестиция форумини муваффақиятли ўтказди. Унинг доирасида қиймати 7,5 миллиард доллардан зиёд ҳажмдаги шартнома ва битимлар имзоланди. Форумда Тожикистоннинг ўттиздан ортқи компаниялари вакиллари ва тадбиркорлар фаол қатнашди. Улар Ўзбекистон ва бошқа иштирокчи мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича самарали музокараларни ҳам ўтказди.

Давлатларимиз етакчилари 2021 йилги учра-

қарийб 600 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Қўшма корхоналар сони 10 баробар ўсди. Агар 2017 йилда Ўзбекистонда 24 та корхона фаолият кўрсатган бўлса, 2021 йил охирига келиб Тожикистон капитали иштирокидаги 240 та корхона ишлай бошлади. Тожикистонда Ўзбекистон сармояси киритилган 61 та корхона фаолият юритмоқда.

Тадбирда икки мамлакат иктисодиётлари ўзаро манфаатли тарзда бир-бирини тўлдириб тургани ва бу билан тўқимачилик, кимё, фармацевтика, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалиғи каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилаётганили таъкидланди.

Тожикистон делегацияси таркибиде республиканинг етакчи корхоналари мутасаддилари борлиғи, Ўзбекистон билан ўзоқ муддатли ва са-

марали ҳамкорлик қилиш кўзда тутилаётгани қайд этилди. Томонлар тадбиркорлар, инвесторларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш, истиқболли соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, шериклик қўламини янада кенгайтириш мақсадида ҳамкорликни фаоллаштириш тарафдори эканини билдирди.

Тўқимачилик, электротехника саноати, фармацевтика, ипақчилик, шафран етиштириш сингари усту-

вур йўналишларда алоқа ўрнатиш имконияти мавжудлиғи эътироф этилди. Анжуманда сўзга чиққан Тожикистон қишлоқ ҳўжалиғи вазири Каримзода Саъди Гафур, Тожикистон саноат ва янги технологиялар вазири Шерали Кабир ва бошқа тармоқ бирлашмалари раҳбарлари ҳар бир йўналишнинг инвестиция, саноат ва савдо салоҳиятини атрофлича очиб бердилар.

«Халқ сўзи».



бирининг ташаббусларини доим қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Тожикистон БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқроқ ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюциясини қабул қилиш, ШХТга аъзо давлатларнинг темир йўл бўйича идоралари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш, ШХТ давлат раҳбарларининг Ешларга қўшма мурожаатини қабул қилиш, шунингдек, 2020 йил-

да ИХТнинг Фан ва технологиялар бўйича иккинчи саммитини Ўзбекистонда ўтказиш борасидаги Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббусларни тўла қўллаб-қувватлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Тожикистон суверенитети ресурсларидан минтақа мамлакатлари манфаатлари билан ҳисоблашган ҳолда оқилона ва тенглик асосида фойдаланиш зарурати ҳақида бир тўхтамга келди. Хоржий экспертлар қайд этганидек, ушбу йўналишдаги ўзбек — тожик муносабатларининг конструктив характери Марказий Осиёда сув ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича минтақавий ҳаракатларга фаоллаштирувчи таъсир этиши мумкин.

Тошкент ва Душанбе МДХни ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида ривожлантириш, уни барқарорлик ҳамда ҳавфсизликни таъминлашнинг долзарб муаммоларини ечиш бўйича самарали ва таъсирчан майдонга айлантириш тарафдори. Муҳим йўналишлар бўйича қарашларда уйғунлик юзага чиқмоқда. Ўзбекистон томонидан ШХТнинг Гўёвҳардликка қарши қурашш марказини ташкил этиш ҳақидаги Тожикистон ташаббусининг қўллаб-қувватланиши шунга далолатдир.

Тарихан узилмас ришталар

Ўзбек халқининг маданий меросини тожиклар эъзозлашди. Тожик маданияти дурдоналари эса ўзбеклар томонидан ҳамisha қадрланган. Ўзбеклар ва тожиклар хурсандчилик ҳам, синовили даamlарда ҳам доим бирга бўлганлар. Бу икки тилда сўзлашувчи бир халқдир. Шавкат Мирзиёев жаноби олийлари қайд этганидек, “Ўзбекистон ва Тожикистон халқларини биродарликнинг ўзига хос ришталари боғлаб туради. Асарлар мобайнида ёнма-ён яшаб, улар тарихий маънавий илдирил, маданиятлар, аънавлар, одатларининг уйғунлиғи билан боғланган. Уларни бир-бирдан айри ҳолда тасаввур қилишнинг ўзи қўнгилни хира қилади”. Бу сўзларда икки биродар халқнинг орзу-истаклари муҷассам.

Буоқ аҳдодларимиз ва мутафаккирларимиз Навоий ва Жомий, Абдурауф Фиритрат ва Салриқидан Айнии, Гафур Ғулмон ва Мирзо Турсунзода, Абдулла Орипов ва Лойик Шерали ўзбеклару тожикларнинг самимий ва соф дўстлигини тараннум этганлар. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Самарқандда Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийга ҳайкал ўрнатилиши Тожикистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам катта хурсандчилик билан қўлиб олинди. Душанбеда Алишер Навоий номидаги хиёбон очилиб, у ерда ҳам худди шундай ёдгорлик ўрнатили.


Кўзга қўринган маданият ва санъат арбоблари ҳамisha халқларининг маданий-иқодий бойишига хизмат қилган. Икки маданият бир-бирига шу қадар боғланиб кетганки, бирор ўзбек тўйи тожикча бўлмисиз, тожик тўйи эса ўзбекча ялғасиз ўтмайди.

Икки мамлакат маданият ва санъат намоян-

Биз қардош ва қўшни ўзбек халқи билан биргаликда асрлар қарьидан мерос дўстликини асраб-авайлашимиз шарт. Аҳдодларимизга муносиб бўлиш, давлатларимиз раҳбарлари томонидан йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқаларини янада юксалтириш йўлида жонбозлик кўрсатиб янаш ҳар биримиз учун муқаддас бурчдир.

Кобилжон ХУШВАХТЗОДА, Тожикистон Миллий университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

БОЛАЛАР СЕНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ



— Ўқиб-ўрганишингиз учун замонавий мактаблар, жисмоний жиҳатдан чиниқишингиз учун спорт иншоотлари, истеъдодингизни рўёбга чиқариш учун турли марказлар ташкил этилган ва яна кўплаб имкониятлар мавжуд, — деди Сенат Раиси. — Охириги йилларда барчанинг бепул таълим олиш ҳуқуқи тўла таъминлангани ҳолда, индивидиал таълимга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ижод ҳамда Президент мактаблари очилди. Математика бўйича 56 та, кимё-биология йўналишида 28 та, ахборот технологиялари фанларига ихтисослаштирилган 14 та махсус таълим муассасалари ташкил этилди.

Хар бирингизнинг ўз қизиқишингиз, истеъдодингиз ва қобилиятингиз бор. Ушбу мактаблар уларни рўёбга чиқариш, келажақда ўзингиз танлаган соҳа бўйича етук мутахассис бўлишингизга мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Шунингдек, учрашувда Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси О. Иминов, Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Б. Сайфуллаев ҳамда Ёшлар парламенти раиси Б. Тўхтамурадов мамлакат келажаги ёшлар қўлида эканлиги, шунинг учун айна пайтда астойдил ўқиш, изланиш ва билим олиш зарурлигини таъкидлади.

Шундан сўнг навқирон авлод вакиллари қонунлари қабул қилиш ва улар ижроси бўйича парламент назоратини ташкил этиш жараёнлари билан танишди.

Яқунда болаларга байрам муносабати билан эсдалик совғалари улашилди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОС



Яқуний суд ҳужжатларини ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида шакллантириш ва тарафларга интернет тармоғи ёрдамида, судга маълум қилинган телефон рақамларига SMS-хабар жўнатиш воситасида ва почта манзили орқали тақдим этишнинг ҳуқуқий асоси назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳаси судлар фаолиятига жорий этилган замонавий технологиялардан фойдаланишнинг процессуал асосларини белгилаш билан бир қаторда, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Замонавий менежмент ва корпоратив бошқарув усуллари

“Ҳўжалик жамиятлари кузатув кенгашларининг мустақил аъзоларига қўйилади-

ган талаблар такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Яъни уларда кузатув кенгашининг мустақил аъзоларини киритиш талаби, мустақил аъзоликка номзодларни қўрсатиш тартиби, уларга қўйиладиган талаблар ҳамда уларнинг реестрини юритиш ва уни ошкор этиб бориш билан боғлиқ нормалар ўз аксини топиқмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳўжалик жамиятларининг кузатув кенгаши таркибиде мустақил аъзоларнинг қўлайлишига, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини

камайтиришга, жамиятларда замонавий менежмент ва корпоратив бошқарув усуллари жорий қилишга, кузатув кенгаши таркибига профессионал мутахассисларни жалб этишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Суд-тергов амалиёти муаммолари бартараф этилади

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам халқ вакиллари томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ўтказилган таҳлилларга кўра, соҳада қатор муаммолар келиб чиқаётганили, яъни жиноятларни фош этишда муҳим далил ҳисобланган абонентлар ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги

ахборотларни олишнинг амалдаги тартиби ва муддатлари жиноятларни “иссиқ изидан” фош этишда, ҳақиқатни аниқлашда бир қатор қийинчиликларни ҳамда хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқий ёрдам қўрсатиш тўғрисидаги сўровларини ижро қилишда мураккабликларни юзага келтирмоқда.

Амалдаги тартибга кўра, абонентлар ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотлар тезкор-қидирув тадбирлари давомида олинадиган ахборотлар тоифасига кириб, улар “терговчи — тезкор-қидирув фаолияти органи — прокурор — тезкор-қидирув фаолияти органи — махсус ваколатли давлат органи” тизими асосида олинад.

Шунингдек, ахборотларни махсус ваколатли давлат органидан сўровнома асосида тўғридан-тўғри олиш имкониятининг йўқлиги тезкор-қидирув органлари томонидан сўровнома ижросини таъминлаш учун ҳам алоҳида тезкор-қидирув иши юритишга ва иш ҳажмининг суъний ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Қонун лойиҳаси билан абонентлар ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборотни олиш билан боғлиқ жараёнлар тергов ҳаракатлари доирасига киритилмоқда. Шунингдек, абонентлар ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотларни олишнинг тартиби белгиланмоқда. Лойиҳанинг қабул қилиниши жиноятларни фош этиш борасидаги фаолият тезкорлиги ва сифатининг ошиши, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ортиқча юкламалардан озод бўлишига ҳамда мазкур соҳадаги суд-тергов амалиёти муаммоларининг бартараф этилишига хизмат қилади.

Мажлисда депутатлар томонидан кўтарилган саволлар ҳамда тақлифлар юзасидан ташаббускорлар томонидан жавоблар олинди, мазкур қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Сенатор ва ҳаёт

«ЎРТАСАРОЙ» МФЙ АҲОЛИСИ НИМА УЧУН МУРОЖААТ ЙЎЛЛАГАНДИ?

Шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларда ислохотларнинг бориши ва эришилаётган натижалар билан танишиб, бу жараёнда учраётган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўрмоқда. Ўз навбатида, шу кунларда бўлиб ўтаётган маҳалла раислари сайловини кузатишмоқда, шунингдек, парламент юқори палатасининг йигирма олтинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва қўрилган бошқа масалаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини аҳолига етказмоқда.

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги “Ўртасарой” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашди.

Учрашувда Сенатнинг йигирма олтинчи ялпи мажлисида қўрилган қонун ва бошқа масалалар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгартишлар мазмун-моҳияти очиб берилди.

Сенат аъзоси аҳолини таъбишлангарида муаммолар юзасидан ҳам мулоқот ўтказди. Мулоқот чоғида маҳалла фаолларининг Сенатга юборган мурожаатидан сўнг ҳудуд-

га 12 километр узунликдаги газ қувури тортиб келингани учун аҳоли вакиллари сенаторга миннатдорлик билдирди.

Қ. Бурҳонов парламент юқори палатаси аъзолари аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш йўлида бундан буён сидқидилдан фаолият кўрсатишини ва шу мақсадда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда котибиятлар билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашини айтиб ўтди.

Учрашув доирасида сенатор “Ўртасарой” маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови жараёни билан ҳам танишди.

«Халқ сўзи».

ЁШЛАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА ФАОЛ БЎЛИШИ КЕРАК



Мамлакатимизда ўттиз ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 60 фоизини ташкил қилади. Бунинг юртимиз учун ўзига хос қимматбаҳо “демографик дивиденд”, десак, муболаға эмас.

Фикр

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига сармоа тўғри сарфланса, айнан шу йилгит-қизлар мамлакатимизни янги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига олиб чиқадиغان баркамол авлод бўлиб шаклланади. Янги Ўзбекистон ёшлари жамиятини ўзгартиришнинг фаол субъекти ҳамда модернизация жараёнлари учун муҳим манба, иқтисодий ўсиш, авлодлар фаровонлигини таъминлаш йўлида бебаҳо инсон ресурсидир.

Сўнгги йилларда ёшларга оид учта қонун, давлатимиз раҳбарининг ўнлаб фармонлари, қарорлари ва ҳукумат ҳужжатлари қабул қилинди. Ёшлар ишлари агентлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия тузилди, Олий Мажлис палатала-

ри қошида Ёшлар парламентлари фаолият юритаяпти. Мамлакатимизда 30 июнь — Ёшлар куни деб эълон қилиниб, Президентимиз ёшлар билан уч маротаба учрашиб, мулоқот ўтказди.

Айни пайтда Конституциямизга ўзгартириш киритиш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар вақтида айнан биз, Ёшлар парламенти аъзолари фаол бўлишимиз зарур. Жамиятиимиз ҳамда ёшлар ўртасида конституциявий ислохотларни кенг тарғиб қилган ҳолда, ўз тақлифларимизнинг мамлакатимиз Бош қомусида ифода этилишига ташаббускор бўлишимиз даркор.

Ёшлар ҳуқуқларининг Конституциямизда ўз аксини топиши муҳим, деб ҳисоблайман. Чунки Асосий Қонунимизнинг бирорта моддасида айнан ёшлар ҳуқуқлари алоҳида мустаҳкамланган. Масалан, 37-моддада мажбурий меҳнат таққилангани, 45-моддада вояга етмаганлар, меҳ-

натга лаёқатсиз ва яққа қариялар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани мустаҳкамланган, 46-моддада эса хотин-қизлар ҳамда эркаклар тенг ҳуқуқлилиги белгиланган бўлса, 65-моддада оналик ва болалик давлат томонидан қўриқланиши кўрсатилган. Аммо ёшлар масалалари Бош қомусимизнинг бирорта моддасида қайд этилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Конституциямизга “Ёшлар ҳуқуқлари”га оид янги моддани қўйиш ҳамда унинг 37-моддасига болалар меҳнатини таққиллаш масаласини киритишнинг таққил этапман. Албатта, бу, Ўзбекистоннинг халқро мажбуриятларига ҳам тўла мос келади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсати ва конституциявий ислохотларни Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари доимо қўллаб-қувватлаган ҳолда, бундан буён ҳам фаоллик билан, фидокорона хизмат қилишга бел боғлайди.

Севара МАҲМУДОВА, Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ — ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИК,

Ўзбекистон қадимдан турли миллат ва элат ҳамда конфессия вакиллари ўзаро тинч-тотув яшаб, ўз диний расм-русумларини эмин-эркин адо этиб келган бағрикенг дийр сифатида қадрланади. Мамлакатимизнинг ушбу йўналишда олиб бораётган изчил сиёсати халқимиз ва жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Юртимизда “Декларациялар мулоқоти” халқро форуми доирасида ўтказилган кўп миллатли жамиятда конфессияларро мулоқотни ривожлантириш соҳасида тажриба алмашиш, диний эркинлик масалаларида қонун устуворлигини таъминлаш, турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлаш бўйича илгор амалиёт билан танишишга қаратилган илмий-амалий семинарда бунга яна бир қарра гувоҳ бўлди.

Нуктаи назар

“Декларациялар мулоқоти” халқро форуми Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йили қабул қилинган “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясида мустаҳкамлаган тамойил ва қоидаларни ҳаётга таъбиқ этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси олиб бораётган изчил ишларнинг бир қисми бўлиб, 2020 йилда давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси мақсадларига эришишга хизмат қилади.

Анжуман доирасида турли мамлакатлар динишунос олимлари, амалиётчи мутахассисларига жамиятда тинчлик ва тотувликни сақлаб туришнинг муҳим шарти сифатида динлар ва маданиятлар ўртасида самарали мулоқот ўрнатishi соҳасидаги энг яхши халқро амалиёт, илгор хорижий тажриба намойиш этилди. Мазкур халқро форум жаҳон ҳамжамиятининг эътиқод эркинлигини таъминлаш ва динларро мулоқотни мустаҳкамлаш йўлидаги савй-ҳаракатини бирлаштириш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, давлатимизнинг инсон ҳуқуқ ва эркинлиги бўйича халқро мажбуриятларига қатъий содиқлиги, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида Ўзбекистоннинг айна йўналишда эътироф этилган умумий стандартларни халқро мисқода фаол тарғиб қилишга тайёрилиги ифодасидир.

Бу мамлакатимизда шу мавзуда ташкил этилган иккинчи халқро тадбир ҳисобланади. Форум майдончасида 2019 йилда бўлган каби Европа, Осиё, Яқин Шарқ, Африка мамлакатлари ва АҚШнинг етакчи дин уламолари, илмоҳиётшунослари, ҳуқуқшунослари, расмийлари тўпланди. Анжуман кун тартиби бир неча босқичдан иборат бўлди. Дастурнинг биринчи қисмига кўра, Тошкентда кўп миллатли жамиятда конфессияларро мулоқотни ривожлантириш соҳасида тажриба алмашиш, диний эркинлик масаласида қонун устуворлигини таъминлаш, турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлаш бўйича илгор амалиёт билан танишиш юзасидан илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Дастурнинг иккинчи қисмида хорижий делегациялар мамлакатимиздаги энг қадимий шаҳарлардан бири бўлган Самарқанда бўлиб, бебаҳо маданий меросимиз намуналари билан танишди. Турли кон-

фессиялар диний масканларига ташриф буюриб, диний ҳамжамият вакиллари билан учрашди.

Анжуман Бухоро шаҳрида “Декларациялар мулоқоти” мавзусидаги халқро конференция билан ўз ишини якунлади. Тадбирда илмий-амалий семинарлар сарҳисоб қилинди, эътиқод эркинлиги ва динларро мулоқотни таъминлаш масаласи бўйича фикр алмашилди, келгуси ҳамкорлик истиқболи белгиланди. Халқро учрашувлнинг якунида Бухоро декларацияси қабул қилинди. Илгари Мароқаш, Макка, Жакарта, Понтомак ва Пунто-дел-Эстеда қабул қилинган декларацияларни тўлиқравида ушбу ҳужжат Ўзбекистоннинг диний бағрикенглик ва миллатларро тотувлик гоғларини халқро даражада қарор топтиришга қўлган муҳим ҳисса бўлди.

Форум орқали Ўзбекистон бир қатор ваифаларнинг уддасидан чиқди. Аввало, давлат сиёсатининг устувор йўналишларидадан бири сифатида динларро бағрикенглик, миллатларро тотувликини мустаҳкамлаш соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида халқро ҳамжамиятга ишончли ва ҳолис маълумотни етказса олдик. Сир эмас, юртимизда жамият ва давлат ҳаётининг барча йўналишида, жумладан, дин соҳасида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бундан ҳеч ким кўз юмолмайдди. Президентимиз раҳбарлигида дин соҳасини эркинлаштириш борасида изчил сиёсат олиб боришмоқда, аҳолининг диний эътиқодларини тўғри қондириш, бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистоннинг диний соҳадаги сиёсати халқро ҳамжамият томонидан кенг оқишланиди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан диний-маърифий соҳада оламшумул ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, диндорларнинг “қора рўйхати” бекор қилинди, олдин қамқоқа ташланган кўплаб мажбуслар афв этилди, Қорақалпоғистондаги шароити ўта оғир бўлган “Жаслик” қамқоқмаси ёпилди. Экстремизмда айбланган 18 минг нафардан зиёд ҳаюротларимиз “қора рўйхат”дан чиқарилиганининг ўзи кўп нарсадан далolat беради. Мамлакат бўйлаб биринчи марта барча босқичдаги Қуръон мусобақалари ўтказилди. Тошкентда илк марта Қуръон қаримнинг ҳусусий нашриётда чоп этилишига руксат берилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 16 та диний конфессияга мансуб 2 минг 333 та диний ташкилот фаолият юритмоқда. Юртимизда Ўзбекистон халқро ислом академияси, Тошкент ислом институти, “Мир Араб” олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби, 10 та мадраса, жумладан, 2 та ихтисослаштирилган хотин-қизлар билим юрти, Тошкент православ диний семинарияси, Тошкент протестант семинарияси каби ўқув муассасалари мавжуд.

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий, Имом Термизий ҳамда Имом Мотуридий халқро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилган. Вилоятларда калом, ҳадис, фикр, ақид ва тасаввуф илми мактаблари очилган. Шунингдек, Ўзбекистон тўлиқ Инжил христианлари маркази, Ўзбекистон Инжил христиан-баптистлар черковлари иттифоқи фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон халқро ислом академиясида “Диншунослик”, “Фикр”, “Қуръон”, “Ҳадис” каби янги диний мутахассисликлар бўйича ўқув режаси жорий этилди. Академияда диний таълим соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Қуръоншунослик ва ҳадисшунослик, Ислон тарихи ва манбаъшунослик, Ақида каби кафедралар очилди.

Жамиятда динлар ва миллатларро тотувлик ҳамда бағрикенгликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини бугун дунё жамоатчилиги, халқро эксперт ва мутахассислар алоҳида эътироф этмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон бу соҳада кўп асрлик ижобий тажрибага эга. Шу билан бирга, мамлакатимизда турли дин тарафдорларининг диний эътиқодларини қондириш учун имкониятлар доимий равишда кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида динларро зиддиятлар қулайиб бораётган бир вазиятда қўлаб хорижий экспертлар халқро муносабатларда диний бағрикенглик ва миллатларро тотувликини таъминлашга асосланган ўзбек моделини ўрганишга фойдали ва ўрнак олас арийдиган омил сифатида қарамқоқда.

Форумнинг яна бир аҳамияти шундаки, унинг доирасида қўп миллатли жамиятларда диний эркинликлар ва динларро тотувликини таъминлаш бўйича фикр алмашиш, халқро тажрибани муҳофиза қилиш имконияти туғилди. Шу ўринда Ўзбекистонда динга муносабатидан қатъи назар, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси виждон ва дин эркинлигига, тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга қаратилган мукамал қонунчилик базаси маъжудлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистоннинг конституциявий нормалари фуқароларнинг бирор динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқини қафолатлайди. Шу билан бирга, бир дин ёки маъзаҳбинг бошқаларга нисбатан ҳар қандай қўрнинишдаги устуворлиги ёки чекловларини ўрнатилишга йўл қўйилмайди.

Форум тўғрисида, юқорида айтиб ўтганимиздек, маърифат ва бағрикенглик маданияти гоғларини тарғиб қилиш, турли дин тарафдорларининг миллий анъаналарига ҳурмат ҳамда уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган “Бухоро декларацияси” қабул қилинди. Ушбу декларация ўзаро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш ва халқро

ҳамжамиятнинг дунёда диний эркинликларни таъминлаш борасидаги савй-ҳаракатларини бирлаштириш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бухоро дунёнинг энг қўна шаҳарларидан бири эканлиги ҳаммага маълум. У бир неча тамаддунлар, диний жамоалар, маданиятлар ва эътиқод тизимларининг чорраҳасида жойлашган. Бухоро, шунингдек, минг йиллар давомида атоқли олиму уламоаларнинг Ватани бўлиб келган. Бу ердаги мадрасалар битирувчилари ислом илоҳиёти ривожига беназир ҳисса қўшган. Бу табаррук заминда ислом динининг салмоқли интеллектуал салоҳияти яратилган. Шунини инобатга олган ҳолда, форум иштирокчилари халқро ҳамжамиятни дунёнинг барча минтақасида миллатларро ва фуқаролар тотувлигининг муҳим шарти сифатида динларро мулоқотни кенгайтиришга янада кўпроқ эътибор қаратишга қақриш мақсадида ушбу шаҳарда тегишли декларацияни қабул қилди.

Адолат нуктаи назаридан айтганда, Ўзбекистоннинг нуфузли халқро анжуманга мезбонлик қилиши барчамизнинг кўнгилмизини тоғдек қўтарди. Ахир динига ва илмга қизиқиш қулиб бўлган Ўзбекистонда динга нисбатан ўтмишда зуғум ва қатагонлар кам бўлдимиз?! Шундай даврлар кам бўлдики, дин қатагонга учради. Айниқса, собиқ Иттифок даврида одамларнинг эътиқоди “бўғиб қўйилган”, диний уламоалар қатагон қилинган эди. Катагон аввало, зиёилар, дин хизматчиларига қарши қаратилган эди. 1937 йилнинг декабрь ойида “ўзлиқ” қарори билан ҳукм қилинган 3 минг 644 кишидан 1 минг 464 нафари имом, эшон, мулла ва бошқа диний хизматчи бўлган.

Худосизликка асосланган тузумнинг таъқиллари ўтган асрининг 80-йиллариғача давом этди. Умуман, ўша йилларда ҳам диний урф-одатларни ошқорла бажариш қийин кечди, ҳатто “художўйман”, дейишга ҳам ботинолмасди. Зиёиларнинг масжидга боргани, жаноза намозларига қатнашгани учун коммунистлик фирқадан ва эғаллаб турган лавозимидан ҳайдаларди.

Мустақиллик эълон қилиниб, мафқуравий занжирдан халос бўлинган, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди, республикамизда қўллаб масжидлар қурилиб, диний ташкилотлар тузишга руксат берилди.

Янги тахрирда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун мамлакатимизда истикомат қилаётган барча диний конфессиялар вакиллариға бирдек имконият берди. Бу билан диннинг юксак маданият ва маънавият воситаси эканлиги, беқийёс алоқой-тарбиявий қудрати, шунингдек, инсонларнинг қамтарлиқ, қамсқуқмлик, қалоқлик ва қолқика қандовчи қадриятлари миллий қадриятлар қаторида қонунан тан олинди.

Ўзбекистонда динга эътиқод қилувчилар барча диний байрамлари эркин нишонламоқда. Йилдан-йилга мусулмонларнинг Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, христианларнинг Пасха ва Рождество, яҳудийларнинг Пасха, Пурим ва Ханука байрамлари кенг қўламада нишонланмоқда. Бундан ташқари, ҳар йили мамлакатимиз ҳукумати тинчир ҳар томонлама қўмағи билан мусулмонлар Ҳаж ва Умара амалларини бажариш учун Саудия Арабистонига, христианлар Россия, Грецияга, яҳудийлар эса Исроилга зиёратга юборилмоқда. Авваллари фуқароларимиз Умара сафарига боариш учун йиллаб навбат қутишар, турли



хил бошқа йўллар билан бориш имкониятларини қидиришар эди.

Энди юртимиз аҳолиси муқаддас зиёратга бўлган эътиқодларини тўлақонли қондириш мақсадида жамоатчилик кенгаши қарори асосида Умара сафарига борувчи зиёратчиларнинг сонини белгилаш бўйича (квота) чекловлар олиб ташланди. Илгариги тартибга кўра, Умара сафарига бориши мумкин бўлган зиёратчилар квотаси ҳар йили ўн минг киши этиб белгиланган эди.

Шунингдек, давлат томонидан ҳар бир конфессия билан ўзаро муносабатлар диний тўғилуларни ҳурмат қилиш, диний эътиқодни фуқароларнинг шахсий эътиқоғи сифатида эътироф этиш, диндан гайриқонуний мақсадларни амалга ошириш учун фойдаланишга йўл қўймаслик, фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиши ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслигидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларни таъбиқ қилишга йўл қўймаслик каби тамойилларга асосланиши белгиланган.

Мазкур тамойиллар асосида эса давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроа ва ҳурмат ўрнатилишига қўмақлашмоқда, шунингдек, диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувлиқни қўллаб-қувватламоқда.

босмахонаси. Корхона манзили:
 123456